

## Болажонларга мактуб (12)

05:00 / 15.02.2017 2893

ЎН ИККИНЧИ САБОҚ

### ИЛМ ЎРГАНИШ — ФАРЗ

Ассалому алайкум, менинг суюкли дўмбоқчаларим!

Бугундан бошлаб машғулотларимизда сизларга мусулмон болаларнинг бурчлари, ахлоқ-одоблари ҳақидаги сабоқларни ўргатаман. Қани, чўккалаб яхшилаб жойлашиб олинглар, дарсимизни бошладик.

Бугун илм олиш зарурлиги ҳақида гаплашамиз. Пайғамбар алайҳиссалом «Илм олиш — ҳар бир мусулмон эркак-аёлга фарз (мажбурий)» деганлар. Яна у зот «Ҳатто Хитойда бўлса ҳам бориб илм ўрганиб келинглар» деб насиҳат қилганлар. Чунки илм излаш, эгаллаш — Ислом динининг энг асбсий талаби, Аллоҳ таоло бандаларига буюрган иш. Қуръони каримнинг Ҳазрати Пайғамбаримизга тушган биринчи ояти «Ўқи» деб бошланган эди. Қуръони каримда «Илм» сўзи турли ҳолларда 765 жойда такрорланиб келади. Пайғамбар алайҳиссалом урушда асир тушган одамга озод бўлиш учун 10 та мусулмонга ўқиш, ёзишни ўргатишни шарт қилиб қўйганлар. Ана шуларнинг ўзиёқ динимизда илм олишга жудаям кўп аҳамият берилганини билдириб турибди.

Бизнинг юртимизда аввалда ҳам, ҳозирда ҳам илм тарқатиш, ўрганишга катта эътибор берилган. Имом Бухорий, Замахшарий, Термизий, Насафий, Қафқол Шоший, Ибн Сино, Беруний, Фаробий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Улуғбек, Навоий каби улуғ олим боболарингизнинг илм соҳасидаги ишларини бутун дунё тан олган.

Ислом динимиз илм олиш деганда ҳам дунёвий, ҳам диний илм олишни назарда тутди. Бунинг маъносини соддароқ қилиб тушунтириб берадиган бўлсам, сизлар мактабда ўқийдиган математика, физика, кимё, жуғрофия, тарих каби фанларни ўрганиш ҳам илм. Яна Қуръони карим сураларини ва маъносини, Пайғамбаримизнинг гапларини ва ишларини (бу «Ҳадис» дейилади) ўрганиш ҳам илм. Шунингдек, ибодат қилиш усулларини, мусулмонликнинг тартиб-қоидаларини ўргатадиган «фиқҳ» ни ўрганиш ҳам илм. Демак, чин мусулмон одам ҳамма илмларни ўрганиши керак экан. Масалан, Улуғбек бобонгиз фалакиёт фанини ҳам, диннинг асосларини ҳам бирдай мукамал билганлар. Ибн Сино бобонгиз эса табобат илми билан ҳам, диний илмлар билан ҳам баравар шуғулланганлар. Навоий бобонгиз эса жуда кўп ғазал-достонлар билан бирга Пайғамбарлар тарихига,

Аллоҳни танишга доир китоблар ёзганлар. Яқинда тўйлари ўтказилган Имом Бухорий бобонгиз эса сизнинг ёшингизда, яъни олти ёшга кирганларида Қуръони каримни тўла ёд олганлар. Ўн бир ёшларида устозларининг хатосини тузатганлар. Ўн тўрт ёшларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг 70 минг ҳадисларини ёддан айтиб берганлар.

Илм олиш яхшию, аммо унга амал қилиш ҳам керак. Амал дегани ўша олган илмингизни бошқаларга ўргатиш дегани. Яна уни қўллаб, одамларга фойда келтириш дегани. Яна ана шу илм орқали Аллоҳни таниш дегани. Чунки катта олим боболарингиздан Имом Ғаззолий шундай деганлар: «Юз йил илм ўрганиб, мингта китобни ўқисангу амал қилмасанг Аллоҳнинг раҳматига умидвор бўлишга ҳаққинг йўқ». Яъни у илминг фойдасиз, Аллоҳдан ҳеч қандай мукофот кутма, деяптилар.

Илм олсаю, аммо Аллоҳга бўйсунмаса, Унинг айтганларини бажариб, ибодатлар қилмаса, бундай одамнинг илми ҳам фойдасиз. Чунки юқорида айтилганидай, динимиз талабига кўра илм ўрганишдан мақсад Аллоҳ таолони яхшироқ таниш, унга кўпроқ бўйсунтирдир.

Менинг шириндан-шакар болажонларим! Илм олишнинг фойдаси ҳақида айтган гапларимни яхшилаб миянгишга жойлаб олдингизми? Чунки илм олишни Аллоҳ буюрган. Аллоҳнинг буйруқларини биз — мусулмонлар ҳеч сўзсиз бажаришимиз керак. Аллоҳ илм олишни бекорга буюрмаган. Чунки илмсиз кишилар жоҳил, нодон бўлиб қолишади. Шундай одамларни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Уларни Аллоҳ таоло ҳам яхши кўрмайди. Шунинг учун илм ўрганишга астойдил киришинг! Устозларнинг айтган гапларини яхшилаб эшитиб эслаб қолишга ҳаракат қилинг!

Илм кони бўлган китобни севинг! Кўп китоб ўқинг! Ҳозир дўкон ва бозорларда диний китоблар ҳам сотиляпти. Дадаларингиз, акаларингиздан ўшандай китоблардан келтириб беришни илтимос қилинг!

Келишдикми, дўмбоқчаларим?!